

Табиий фанлар соҳасидаги ЮНЕСКО/Экваториал Гвинея халқаро мукофоти 2019 танловини эълон қилади.



Мазкур мукофотнинг асосий мақсади ЮНЕСКО ташкилотига аъзо давлатларда алоҳида шахслар, институтлар ва нодавлат ташкилотлар томонидан инсон ҳаётининг яхшиланишига салмоқли ҳисса қўшган илмий тадқиқот лойиҳалари ва фаолиятини мукофотлашдан иборат. ЮНЕСКО/Экваториал Гвинея халқаро мукофоти 350 000 АҚШ доллариға тенг бўлиб, танловда мувафаққиятли қатнашган уч номзод ўртасида тенг тақсимланади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳавола <https://en.unesco.org/news/call-application-unesco-equatorial-guinea-international-prize-research-life-sciences> орқали онлайн тарзда жорий йилнинг 15 май кунига қадар рўйхатдан ўтилади. Рўйхатдан ўтишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

- ариза варақаси;
- номзоднинг мукофот мақсадларига қўшган ҳиссаси бўйича ахборот (1000 та сўздан ошмаган);
- номзоднинг илмий-амалий фаолияти бўйича қисқача маълумот;
- номзоднинг муҳим ўнта илмий нашрнинг рўйхати.